Куч — адолатда

2013 йил
2 август,
жума
№ 31 (440)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

«ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши —айни мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. **Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис,** деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминида тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанчақанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочоқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Афғонистон заминидаги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ "Қўшнинг тинч — сен тинч", деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди;

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун "6+2" мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардормиз.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош котибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди;

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида "6+3" мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, **Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, терроризм, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.**

Президент Ислом Каримов **афғон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Айни шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.**

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалашга юксак эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Президентимиз томонидан бундан саккиз йил олдин қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармон ушбу соҳада эришган ютуқларимизда, шунингдек, юртимизда ҳақиқатан ҳам, адолат ўрнатишда жиноят йўлига кирганларга энг одил ҳукм чиқаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Insonparvarlik tamoyillari

Инсон манфаатлари — энг олий қадрият

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида, ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад, бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозимлиги таъкидланган эди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш, хусусий мулкчилик соҳасидаги қадим анъаналарни тиклаш борасида амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Islohot va samara

Тадбиркорлик — фаровонлик омили

Натижада ушбу тармоқнинг жадал ривожи учун кенг йўл очилиши билан бирга юртдошларимизда соҳага бўлган қизиқиш ҳам кучайди. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур ҳуқуқий база яратилди. Кичик бизнес вакилларининг малакасини ошириш, ўз вақтида маблағ билан таъминлаш учун қўшимча имкониятлар ишга солинмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Юртимиз бўйлаб истиқлол айёми шукуҳи кезиб юрган шу кунларда нафақат энг улуғ ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш, балки унинг шарофати ила халқимиз қўлга киритган ютуқ ва марралар ҳақида кўпроқ фикр юритиш жуда ўринли. Чунки мустақиллик халқимиз эришган энг буюк неъматлардан.

Iftixor

Ёруғ истиқболимизнинг ишончли эгалари

Айтиш жоизки, истиқлол бизга, айниқса, ўсиб келаётган ёшларимизга нафақат эркин яшаш, балки ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда ўқиб-ўрганиш, илм, санъат, спорт каби барча соҳаларни чуқур эгаллаш имконини берди. Юртимизда жорий этилган ўн икки йиллик таълим тизими ёшларнинг билимли ва ўзлари қизиққан соҳа бўйича моҳир мутахассислар бўлиб етишишига замин яратди. Уларнинг бандлигини таъминлаш, эгаллаган касби бўйича ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йил юртимиздаги касб-ҳунар коллежларини 500 мингдан ортиқ ўқувчи тамомлади. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу кунгача уларнинг барчаси эгаллаган ўз ҳунари бўйича корхона ва ташкилотларга ишга жалб этилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шаклантириш ва юксалтириб боришга юртимизда устувор вазифалардан бири сифатида қаралади. Бунинг натижасида фуқароларимизда қонуний ҳуқуқларини билиш ва уни амалда қўллаш, турли ҳужжатларни, хусусан, битим ва шартномаларни нотариал тартибда тасдиқлатиш одат тусига кириб бормоқда.

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз шартномаси

томонлар манфаатига хизмат қилади

Шу ўринда амалда кенг қўлланиб келинаётган қарз шартномаси ва унинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтсак. Қарз шартномасини тузиш тартиби Фуқаролик кодексида аниқ белгилаб қўйилган. Унда қайд этилганидек, қарз шартномасига кўра, бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тараф (қарз олувчи)га пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради.

(Давоми учинчи бетда)

«ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз **"тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди"**, деб аниқ-равшан баён қилинган. **"Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди"**, дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: **"Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади"**.

Бундай қатъий, шу билан бирга, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу **Афғонистон билан узоқ тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.**

Айнан мана шу омиллар сабаб, "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки **халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда.** Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатилмоқда. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида **инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди.** Жумладан, Афғонистоннинг етакчи **"Daily Outlook Afghanistan"** газетаси, **"Сахро"** ижтимоий-сиёсий журнали интервьюнинг тўла матнини "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислом Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг **"Balochistan today"** ва **"Ittihad"** газеталарида, Эроннинг **"Iran News"** газетасида ва Хитойнинг **"Lookwe"** журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлмиш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз мавқеига эга бўлган Саудия Арабистони, Кувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда **Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда.** Энг муҳими, **барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси — Афғонистондаги низони бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофига тўплаш ва уларни муросага олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.**

Интервьюда Президент Ислом Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва таклифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизғин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, **АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг** таъкидлашича, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни "ўта оғир ва нозик" дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. **Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.**

Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги сўзларини **ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир,** деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислом Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларни музокаралар столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чақирмоқда, дейди П.Морвиж.

АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М.Олкотт Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида қуришини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда тезюрар автомобиль йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, **"Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди"**, дея ишонч билдиради.

Британия — Ўзбекистон жамияти раиси лорд Ф.Понсонби Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур англаши ва уни келажакдаги ривожи борасида қайғураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислом Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида "6+3" мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Саксенанинг қайд этишича, Президент Ислом Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгича концептуал ёндашувни таклиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, **Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборни афғон халқи ва жамиятини жипслаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваламбор, афғон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади.** Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан буён давом этаётган зўравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С.Саксенанинг сўзларига кўра, "Афғонистон, ўз назорати ва гегемониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, **Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка чорлаётган ишончли қўшниси борлигидан фахрланса арзийди"**.

"Менга Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар даҳшатли қирғин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини куюниб айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, — **дейди германиялик эксперт Ф.Лемке.** — Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок этмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди".

Ф.Лемкенинг фикрича, **Ўзбекистон Президентининг "тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди" деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайди.** Шундай экан, Ислом Каримовнинг ўз халқига, қўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги чақириғи эзгулик ва ривожланишга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканлигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаслигини англатади.

"Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор очиқ ва равшан баён этди", — дейди Францияда жойлашган **Европа келажаги ва хавфсизлигини тадқиқ қилиш институти раҳбари Э.Дюпюи.** Мутахассиснинг сўзларига кўра, **Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этмаслик принципи қонуний асосга эга.** Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдиради Э.Дюпюи.

Францияда чиқадиган **"Les milieux des empires" таҳлилий журналининг бош муҳаррири С. д'Изарннинг** таъкидлашича, Ислом Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдираётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларига таянадиган қатъиятли позициясини кўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С. д'Изарн ушбу муддатга қадар **Президент Ислом Каримовнинг умумафғон сиёсий музокараларини бошлаш ва зарурий келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши лозим,** деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида шундай деди: "Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган интилишлари билан мутлақо ҳамфикрман. Албатта, минтақадаги вазият оддий эмас. Бу борада **Ўзбекистонинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мутлақо тўғри ва долзарбдир".**

"Биз Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз", дея таъкидлайди **Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан.**

Мутахассиснинг фикрига кўра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қўшнилари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. "Биз **Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши,** ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур", — дейди Су Чан.

Японияниг Шарқий Осиё тадқиқотлари институти директори У.Магосакининг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

"Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллатлараро можароларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, **Афғонистондаги мавжуд муаммоларни муваққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.** Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишдир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бўғин сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшаши учун қулай шароитлар яратишга имконият туғдиради", деб ҳисоблайди У.Магосаки.

Японияниг Ниагата университети профессори Шигеки Хакамаданинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг "катта геосиёсий ўйини" майдони бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига қарамасдан, **ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Кобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади,** дея фикр билдиради японялик мутахассис.

Малайзиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири ўринбосари, "Геракан" партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшниси сифатида **Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади.** Шунинг учун ҳам, Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асосида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, **"Binary" университети профессори Зулфиқли Ҳожи Сентери:** "Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши **Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратади.** Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан ғоят манфаатдор", дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган **Болтиқ халқаро академияси профессори И.Стеценконинг** сўзларига кўра, Ислом Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек халқининг осойишталиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. "Ишончим комилки, **Ибн Сино, Улуғбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида мужассам этган ўзбек халқи ўз аждодларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади"**, — дейди И.Стеценко.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан берган интервьюсига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир.

"Жаҳон" ахборот агентлиги

Insonparvarlik tamoyillari

Инсон манфаатлари – энг олий қадрият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу нуқтаи-назардан, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жиноий жазо сифатида ўлим жазосини қўллаш соҳасини босқичма-босқич қисқартириш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Чунончи, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинишида мамлакатдаги криминоген вазият инобатга олиниб, кодекснинг 13 та моддасида мазкур турдаги жазо чораси сақлаб қолинган бўлса, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда 4 тага, 2003 йилда 2 тага қисқартирилди ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учунгина қўлланилиши назарда тутилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида яна бир муҳим масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш таклифини илгари сурди ва 2005 йил 1 август куни "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

Албатта, ушбу Фармон қабул қилингунига қадар ўлим жазоси тайинланиши назарда тутилган жиноят таркиблари қисқартирилиб борилиши билан бир қаторда миллий қонунчилигимизда жуда катта ўзгартишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилди. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури қабул қилинди.

Асосий Қонунимизга мос равишда либераллаштириб борилган Жиноят кодексидан дастлаб инсоний фазилатларга хос бўлмаган сургун, бадарға каби жазо чоралари чиқариб ташланган бўлса, ислоҳотларнинг кейинги босқичида жиноятлар таснифига ўзгартиришлар киритилиб, 87 та жиноят таркиби бўйича санкциялар енгиллаштирилди, уларнинг 26 тасидан қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари чиқариб ташланди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси 86 тадан 196 тага кўпайди. Шунга мутаносиб равишда оғир ва ўта оғир жиноятлар туркуми камайди. Аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги қайд этилди. Мол-мулкни мусодора қилиш жазо тизимидан чиқариб ташланди.

Шунингдек, жиноят қонунчилигида ярашув институтининг жорий қилинганлиги қадриятларимизга мос, минталитетимизга хос бўлган оламшумул янгилик бўлди. 2001 йилдан бошлаб нафақат давлатнинг, балки ўзганинг молмулкини талон-торож қилган шахс ёки унинг қариндошлари томонидан етказилган зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги қонунда қатъий белгилаб қўйилганлиги диққатга сазовор.

Юқорида қайд этилган Фармонда ўлим жазосини умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш зарурлигини тақозо этувчи омиллар кўрсатиб ўтилганини қайд этиш жоиз. Қонунчиликка киритилаётган ушбу ўзгариш юзасидан аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши, ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий тайёргарлик-тадбирлари белгилаб берилди.

Шу муносабат билан 2005 йилнинг август ойидан 2007 йилнинг июнь ойига қадар жамоатчилик ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилди, ўлим жазоси бекор қилинган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди. Қисқача айтганда, Фармоннинг ижроси юзасидан ташкилий ишлар амалга оширилди.

Ва, ниҳоят "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан амалга киритилди. Жиноят қонунчилигида умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари тушунчаси берилди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши йирик халқаро ташкилотлар томонидан қизғин маъқулланиб, бу шафқатсиз ва ғайриинсоний жазони қўллашни бутун дунёда тақиқлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганлиги, умуман олганда, Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиноий жазоларнинг энг инсонпарвар ва либерал тизими яратилганлиги эътироф этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган қисқа давр ичида мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинганлиги, шубҳасиз, Ўзбекистон Конституция орқали ўз зиммасига олган масъулияти ва мажбуриятини ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналарига таянган, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини устувор қадрият сифатида эъзозлаган ҳолда сидқидилдан адо этаётганлигини намоён қилади.

Давлатмирза КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси.
(«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 1 август сонидан олинди)

Islohot va samara

Тадбиркорлик – фаровонлик омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу, энг аввало, юртимизда тадбиркорлар манфаат ва ҳуқуқларини ифода этишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг шарофатидандир. Айнан шундай қонун ҳужжатлари фуқароларга мулкдор бўлиш ҳуқуқини берди. Мингминглаб юртдошларимиз бу ҳуқуқдан оқилона фойдаланиб, ўз мулкларини, корхона ва ташкилотларини ўзлари яратмоқдалар. Бунинг эвазига янги иш ўринлари яратиб жамиятга наф келтирмоқдалар.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қабул қилинаётган янги қонунлар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, яқинда янги таҳрирда қабул қилинган **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонун моҳият-эътибори билан иқтисодий соҳадаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур қонунга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари янада кенгайтирилиб, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилгани муваффақиятларга замин яратди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Жумладан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан Республикамизни жадал ўсишга эришаётгани, глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрилгани ҳамда кейинги беш йил ичида Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқори эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ижтимоий фаровонлик, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги тобора мустаҳкамланмоқда. Энг муҳими, мустақиллик йилларида юртимизда тадбиркорлик фаолияти барқарор ривожланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, қишлоқ хўжалигининг биргина йўналиши — ғалла етиштиришни кўриб чиқадиган бўлсак, 1991 йилда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса, 2012 йилда 7 миллион 500 минг тонна, 2013 йилда бу кўрсаткич деҳқон ва фермерларимизни тадбиркорлиги ва омилкорлиги натижасида 7 миллион 610 минг тоннадан ошиб кетди. Бу қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам тадбиркорлик тобора ривожланиб, жамият тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшаётганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритилаётган ютуқлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодиёналарини нишонлаш арафасида юртимизнинг нафақат тадбиркорлик йўналишида, балки барча соҳаларда ривожланиб, юксалиб бораётгани ҳар бир юртдошимиз қалбида ифтихор ҳиссини уйғотмоқда.

Фахриддин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз шартномаси

томонлар манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қарз олувчи эса, қарзга берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўша суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёлар (қарз суммаси)ни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси талабига кўра, тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома предмети бўлган пул ёки ашё қарз олувчига топширилган пайтдан эътиборан вужудга келади. Қарз шартномаси фуқаролар ўртасида, агар бу қарзнинг суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши лозим.

Айтиш керакки, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганини, мазмунини ёки бажарилганини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Қарз шартномасида, қарзни қайтариш муддати белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак. Агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини ўз вақтида қайтармаган ҳолларда келишилган фоизлар тўланган бўлса ҳам, қарз қайтариб берилиши керак.

Қарз олувчи олинган қарзни қарз берувчига қайтариб бериши шарт бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан Фуқаролик кодексининг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган миқдорда фоиз тўланиши керак.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак. Судга даъвогар Н.Шокирова (исм-шарифлар шартли) жавобгарлар И.Жовлиев ва Ж.Собировга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 13 миллион 750 минг сўм ва 5,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги қарзни фоизи билан ундириб беришни сўраган.

2013 йил 2 майда фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан Н.Шокированинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилган. Жавобгар Ж.Собировдан Н. Шокированинг фойдасига 5 миллион сўм асосий қарз, унга ҳисобланган 1 миллион сўм банк фоизи ундирилган. Жавобгар И.Жовлиевдан эса, Н.Шокированинг фойдасига 4,1 миллион сўм асосий қарз ва унга ҳисобланган 826 минг банк фоизи ундирилган.

Ҳар икки жавобгардан солидар тартибда Н.Шокированинг фойдасига асосий қарз, унга ҳисобланган банк фоизи, жами 18,5 миллион сўм ундирилган.

Чунки Фуқаролик кодексининг 327-моддасига биноан бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддаси 1-қисмига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган барча харажатларни ундириб беради.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги **"Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"**ги қарори 22-бандига мувофиқ, Фуқаролик кодексининг 734-моддасига асосан қарз шартномаси қарз бўйича олинган мулк (ашё)нинг қайтарилишини назарда тутади. Қарз суммасига олинадиган фоизлар миқдори шартномада белгиланади. Қарз олувчидан фоизлар ундиришда суд бир вақтнинг ўзида қарз суммасидан давлат фойдасига солиқ ушлаб қолиши лозим. Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган пул мажбуриятини, шунингдек, қарз мажбуриятини бажармаганлик учун фоизлар, қарз шартномасида белгиланган фоизлардан ҳам ортиқ ҳисобланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қарз ва бошқа битимларни ёзма шаклда тузиш турли келишмовчиликлар юз берган тақдирда уларни қонуний ҳал этиш, бир сўз билан айтганда, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини муҳофазалашга хизмат қилади.

Тўлқин БЕКНАЗАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси

Qilmish-qidirmish

Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги

унга риоя этмаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизда мулк ҳуқуқининг қонуний жиҳатдан тўлиқ кафолатлаб қўйилгани бозор муносабатлари ривожига кенг йўл очиб берди. Жумладан, Конституциямизнинг 53-моддасида барча шакллардаги мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги, унга дахл қилиш қонунга зид эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари малдаги қонунчилигимизда мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида ўғрилик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик, растрата, товламачилик йўли билан талон-торож қилиш каби қилмишларга нисбатан қатъий жазо чоралари белгилаб қўйилган.

Биргина ўғрилик жиноятини олиб қарайдиган бўлсак, ўзганинг мол-мулкини яширин тарзда талон-торож қилишдан иборат жиноий қилмиш ўғрилик деб топилади. Бу жиноятни содир этиш чоғида жиноятчи жабрланувчига жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказишга уринмайди, балки у яширин тарзда ва ҳуқуққа хилоф равишда ўзганинг мулкини ўзлаштиради ҳамда уни ўз мулки сифатида тасарруф эта бошлайди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, У.Абдуллажонов, Ў.Ботиров ва Қ.Иброҳимов олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзганинг мулкини яширин равишда ўғирлаб, талон-торож қилишни режалаштиради. Улар чекка ҳудудлардаги дўконларни ўмариш режасини тузишади.

2012 йил февраль ойида жиноий шериклар У.Абдуллажонов бошқарувидаги "Нексия" автомашинасида Андижон туманидаги Храбек қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган Ҳурматой Юсуповага қарашли савдо дўконига яширин равишда кириб, жами 1 миллион 282 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаб кетишади.

Шундан сўнг жиноий гуруҳ аъзолари ўзларининг жиноий фаолиятини давом эттириб, Олтинкўл туманидаги, Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган савдо дўконини ўмариш режасини тузишади. Шу мақсадда тунги 02.00да белгиланган жойга келиб, Д.Мамадалиевга қарашли савдо дўконига яширин равишда кириб, жами 10.000.000 сўмга яқин товар моддий бойликларини ўмариб кетишади.

Бундан ташқари улар 17 февраль куни такроран Қ.Хусановга тегишли бўлган савдо дўконидан жами 490.000 сўмлик товарларни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишади.

Жиноий шериклар ўғирлаш йўли билан қўлга киритилган барча маҳсулотларни арзон нархда сотиб, мўмай даромадни қўлга киритишади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Илтимос, битим тушунчаси ва унинг турлари ҳақида маълумот берсангиз?

С.АЗИМОВ,
Қарши шаҳри

— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 101-102-моддаларига асосан битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади.

Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин.

Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади.

Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

— Айтинг-чи, битимлар қандай тартибда нотариал тасдиқланади?

А.Қурбонов,
Ғузор тумани

- Амалдаги Фуқаролик кодексининг 110-моддасига асосан битимни нотариал тасдиқлаш Фуқаролик кодекснинг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Саволларга Қарши шаҳридаги 2-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси Абдурашид Хурсанов жавоб берди.

Iftixor

Ёруғ истиқболимизнинг ишончли эгалари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимизда коллеж битирувчилари ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Уларга режа тузишдан бизнесни юритишгача бўлган барча жараёнда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда, зарур миқдорда сармоя билан таъминланмоқда.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёда юз миллиондан ортиқ ўсмир мактабга қатнаш имкониятига эга эмас. Дунёнинг 12 мамлакатида болаларнинг бошланғич умумтаълим мактабларига қамраб олиниш кўрсаткичи пасайиб кетган.

Ўзбекистонимизда эса, ҳар йили янги, замонавий таълим масканлари фойдаланишга топширилаётгани, йигит-қизларимиз жаҳон стандартлари даражасида таълим олиши учун барча шароитлар яратилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ушбу муҳим соҳада чуқур ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Таълим — тараққиётнинг, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳаси экани қонун билан белгилаб қўйилди.

Мазкур дастур мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу чора-тадбирларнинг юксак самараларини ҳар қадамда, миллионлаб юртдошларимиз ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин. Масалан, сўнгги ўн йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Бўй кўрсаткичлари эса ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Мана шу кўрсаткичларнинг ўзиёқ мустақил Ўзбекистон фарзандларининг соғлом, кучли, ақл-заковатли инсонлар бўлиб камол топиши, ўз иқтидори ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятлар нақадар юксак самаралар бераётганини исботлайди.

Дунё ёшлари билан бўйлашаётган, керак бўлса, улардан-да шаҳдам қадам ташлашга интилаётган юртимиз ёшларининг хорижий тилларни пухта эгаллаши учун зарур-шарт-шароитлар яратилаётгани уларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликдир. Ахир, тил билган эл билади, дейди доно халқимиз. Қолаверса, чет тилини чуқур билиш орқали фарзандларимиз дунё илм-фанини янада мустаҳкам эгаллайди. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган **"Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори таълим-тарбия ишларини замон талаблари даражасида ташкил этишда муҳим омил бўлаётир.

Қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Қарорга биноан 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди. Ҳужжатга биноан давлат таълим стандартлари ва чет тилларни биринчи синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш бўйича янги ўқув режа тасдиқланди. Умумий ўрта таълимнинг 1-9-синфлари учун инглиз, француз ва немис тилларидан махсус ўқув дастурлари яратилди. Бу мамлакатимиз ёшларининг жаҳон цивилизацияси ютуқларини пухта ўзлаштириши, дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратади.

Буларнинг барчаси ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида, оилалар фаровонлигини таъминлашда, барча соҳалар учун малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Етук билим ва малакага эга ёшларимиз эса эртанги кунимиз ишончли қўлларда эканига, истиқлолимиз абадийлигига бўлган муҳим кафолатдир.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

G'aroyib olam

Маълумки, турли хил санъат асарларини бир жойга тўплаб, уларни кенг оммага намойиш этиш анъанаси ўз даврида қадимги Греция, Рим, Япония ва Хитойда кенг тарқалган.

Биз билган ва билмаган дунё

ҒАРОЙИБ МУЗЕЙЛАР

Бизнинг бугунги тасаввуримиздаги музейлар биринчи марта XVIII асрнинг ўрталарида Европада пайдо бўлган. Ўша даврда Париждаги "Пале де Люксембург" саройидаги санъат асарлари ҳафтада икки кун кенг оммага, аниқроқ айтганда, талабалар ва санъатшунослар учун намойиш этилган. Лондондаги Британия музейи эса, 1753 йилда ташкил этилган бўлиб, у том маънода янгича тарзда фаолият юритган музей ҳисобланади. Айтиш керакки, ушбу музейга ташриф буюриш учун аввало, рўйхатдан ўтиш талаб этилган. 1793 йилда эса, Лувр саройи Франциядаги илк оммавий музей сифатида фаолият юрита бошлаган. 1946 йилда Халқаро музейлар кенгаши ташкил топган бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 115 мамлакатидаги 27500 та музей ушбу ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади.

Агар музейлар тарихига назар ташласак, бугунги кунда дунёнинг турли давлатларида бир-биридан ғаройиб музейлар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Масалан, АҚШнинг Калифорния штатида "Халқаро бананлар музейи" бундан 38 йил муқаддам ташкил этилган бўлиб, унинг асосчиси Кен Баннистер деган шахс ҳисобланади. Бу музейда банан ва ушбу мева билан бевосита боғлиқ минглаб буюмлар тўпланган. Музейда банандан ясалган ёки банан шаклида бўлган турли хил экспонатларни учратиш мумкин. Уларнинг орасида банан шаклидаги мебель, тақинчоқлар ва ҳатто кийим-кечаклар ҳам бор.

Японияда Момофуку Андо музейи ҳам таомларга бағишланган бўлиб, унда Хитой лапшаси билан боғлиқ турли хил буюмлар ўрин олган. Бундан ташқари музейда лапшанинг турли хил таъм ва шаклдаги кўринишлари билан бирга ушбу таомга бағишланган театр томошаси намойиш этилади. Мазкур музейга ташриф буюрган сайёҳлар ўзлари хоҳлаган таъмдаги лапшани тайёрлаб кўриш имкониятига ҳам эга.

АҚШнинг Монтанада штатида ташкил этилган Лейла соч музейида эса, сочдан ясалган ажойиб санъат асарлари ўрин олган. Бу музейга ташриф буюрганлар сочдан ясалган супурги, гербарий, турли хил тақинчоқларни томоша қилиши мумкин. Музейдаги айрим экспонатлар XIX асрда яратилгани билан алоҳида қимматга эга.

Манилада эса, бундан ҳам ғаройиб музей мавжуд. Гап шундаки, ушбу мамлакатда Имельд Маркос деган тиниб-тинчимас шахс томонидан ташкил этилган пойабзаллар музейида 800 жуфт оёқ кийим сақланади. Музейга келган меҳмонлар ҳар бир пойабзалнинг ўзига хос тарихи билан танишиб чиқиш имконига эга.

Хорватияда бундан ҳам антиқа музей ташкил этилган. Аниқроқ айтсак, бу мамлакатда ташкил этилган жавобсиз севги музейига ташриф буюришни ният қилганларга фақатгина яхши кайфиятда бўлиш тавсия этилади. Негаки, музей экспонатлари орасида турли-туман хатлар, ўйинчоқлар, йўли айро бўлган инсонларнинг суратлари жой олган. Музейдаги ҳар бир буюм ўзининг аччиқ қисмати ва тарихига эга. Шу боис музейга кирган томошабин ўзўзидан тушкунликка тушиши ҳеч гап эмас.

Германиянинг Мактобердорф шаҳрида сичқон тутадиган қопқонлар тарихига бағишланган музейи фаолият юритади. Дунёда якка-ю ягона саналган ушбу музейдан жой олган экспонатларни ҳар бир томошабин қўлига олиб қандай ишлашини синаб кўриши мумкин. Агар томошабинга қопқон ёқиб қолса, музей хизматчилари бу қурилмани қандай ясашни бажонидил ўргатишади.

Швейцарияда эса, ўғирланган буюмлар сақланадиган музей мавжуд бўлиб, у божхона ходимлари томонидан ташкил этилган. Бу музейда контрабанда билан шуғулланувчи шахслардан олиб қўйилган турли-туман буюмлар сақланади. Масалан, музейда нарса яшириш учун махфий жойлари бўлган пойабзаллар, соябонлар, дори қутиларидан тортиб, тўртта ғилдираги ҳам Швейцария соатлари билан зич тўлдирилган автомобилларни ҳам учратиш мумкин.

Франциянинг Рубе шаҳрида эса, қадимий дазмоллардан ташкил топган кичик музей мавжуд. Бу музейда мингдан ортиқ дазмол турлари ва улар тўғрисидаги адабиётлар тўпланган.

Бу музейга ташриф буюрган киши дазмоллар тарихи ҳақида етарлича маълумот олиши мумкин. Масалан, кўмир билан ишлайдиган дазмоллар XVII асрда пайдо бўлган. Унгача эса, товага ўхшаш қурилмадан дазмол ўрнида фойдаланилган. Кейинчалик кўмирнинг ўрнини спиртли горелка эгаллаган. Электр дазмоллари эса, 1913 йилда кашф этилган.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Qilmish-qidirmish

Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги

унга риоя этмаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Аммо уларнинг қилмиши тез орада фош бўлди. Олиб борилган тезкор қидирув ва суриштирув ишлари натижасида У.Абдуллажонов, Ў.Ботиров ва Қ.Иброҳимов қўлга олинди.

Суд ушбу жиноят ишини атрофлича кўриб чиқиб, У.Абдуллажонов, Ў.Ботиров ва Қ.Иброҳимовга қонуний жазо тайинлади ва жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни айбдорлардан солидар тартибда ундириш лозим, деган тўхтамга келди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар қандай жиноий қилмиш албатта, ошкор бўлади. Шундай экан, турли қинғир кўчаларга бош суқиб, эгрилик билан кун кечириш ўрнига ҳалол меҳнат қилиб, ёруғ юз билан яшаш нечоғлик афзал эканини доимо ёдда тутиш лозим.

О.МАМАЖАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Олтинкўл тумани судининг раиси

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, муҳим тамойилларидан биридир. Конституциямизнинг 13-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши алоҳида қайд этилган.

Transmilliy jinoyatchilik

Эгри йўл бошни эгади

Суд очерки

Ҳаётда инсон шаънига дахл қилиб, ўзгаларнинг ҳаётини хавф остида қолдириш орқали мўмай даромад орттиришни кўзлайдиган кимсаларнинг ҳам борлиги ғоятда ачинарли. Қуйида ана шундай тубан йўллар билан бойлик орттиришга уринган кимсаларнинг кирдикорлари хусусида фикр юритамиз.

Дилобар Жалилова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 49 ёшни қоралаган, оилали, бир нафар фарзанднинг онаси. Бу аёл инсонга бир марта бериладиган умр мазмунини ҳалол меҳнатдан излаш ўрнига нопок йўл билан кун кечиришни кўзлади. Бироқ у қўл урган қинғирлик тез орада фош этилиб, Д.Жалилова Жиноят кодексининг 168-моддаси билан айбдор деб топилди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Таассуфки, у ўзининг хатосидан тегишли хулоса чиқариб, фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига яна жиноий қилмишга қўл урди. Аниқроқ айтганда, Д. Жалилова бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда одам савдоси сингари қабиҳ қилмишга қўл урди.

Шундай нопок мақсадда у пойтахтдаги "Беруний" метро бекати ёнида ширинликлар савдоси билан шуғулланувчи Нилуфар Қурбоновани ўзининг тузоғига илинтириш мақсадида у билан яқиндан танишиб олади.

— Шундай эпчиллигинг, хушмуомалалигинг билан хорижда катта маош олиб бойиб кетишинг мумкин. Агар истасанг, сенга ўзим ёрдам бераман.

Фирибгарликнинг ҳадисини олган бу аёл содда ва ишонувчан Нилуфарни алдаб-авраб, охир-оқибат ўз тузоғига илинтиради. Шундан сўнг сафар учун барча зарур харажатлар "сахий ҳомий" — Дилобар томонидан амалга оширилади. Ўғилчасини онасига қолдирган Нилуфар Дилобарнинг укаси Мақсуд кўмагида қўшни республика орқали хорижга юборилади. Ўзга юртда уни Дилобарнинг жиноий шериги — Моҳира исмли аёл кутиб олади. Моҳира уни тубан ишларни бажаришга мажбур қилади. Натижада, не-не орзу-умидлар билан хорижий давлатга келган Нилуфар одам савдосининг қурбонига айланганини англаб етади.

Яна бир мисол. Бўкалик Қумри Алимованинг кирдикорлари ҳам Дилобарникидан асло қолишмайди. Қ.Алимова тўрт нафар фарзанднинг онаси, оилали аёл бўла туриб, эгрилик этагини тутди. Бунга унинг ўпқондек нафси сабаб бўлди. У ўзининг қабиҳ мақсадларини амалга ошириш учун оққўрғонлик Мадина Зиёдова ва унинг ўғли Жавҳар Зиёдов билан уюшган жиноий гуруҳга бирлашиб, режа асосида ўзаро вазифаларни тақсимлаб олишади. Уюшган гуруҳ томонидан тузилган жиноий режага асосан, Қумри Алимова қизларни алдов йўли билан мўмай даромад топишга қизиқтириб, уларни бир жойга тўплаб, Мадина Зиёдовага топшириши, М.Зиёдова эса, хорижга чиқиш учун муайян ҳуқуқни берувчи ҳужжатларни қалбакилаштириб, чет элга олиб бориши лозим эди. Чет элда эса, Ж.Зиёдов уларни кутиб олиб, бегона кимсаларга сотиши ва топилган даромад ўртада тақсимланиши белгиланган эди.

Шунга кўра, Қ.Алимова Бўка туманида яшовчи Ф.Маликованинг олдига бориб, унинг вояга етмаган қизи Дилдорани Тошкентда турадиган синглисининг дўконида сотувчилик қилишга ва яхши маош тўлашга кўндиради. Қ. Алимованинг алдовларига учган она ўз қизини жиноий шерикларнинг қўлига топширади. М.Зиёдова эса, қалбаки ҳужжат ва ноқонуний йўллар орқали Дилдорани Тошкентга эмас, ўзлари режалаштиришгандек, чет элга жўнатиб юборади. Дилдорани кутиб олган Ж.Зиёдов уни тубан ишлар билан шуғулланишга мажбур қилади.

Гувоҳи бўлганингиз — одам савдосидек қабиҳ жиноий қилмишни содир этган кимсалар охир-оқибат қонун олдида ўз қилмишлари учун жавоб берди, уларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Дарҳақиқат, халқимиз "қилмиш-қидирмиш" деб бежизга айтмаган. Зотан, содда одамларни лақиллатиш эвазига мўмай даромад орттиришга уринган кимсалар бир кун ўз қилмишлари учун қонун олдида, албатта, жавоб берадилар. Шундай экан, ҳалол меҳнат қилиб, виждон амрига бўйсуниб яшаш умр зийнати эканини асло унутмайлик.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"Куч — адолатда" мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-816. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7758.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 20⁵⁰